

5. Норматов У. Етуклик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – Б. 368.
6. Тамарченко Н. Поэтика: словарь актуальных терминов и понятий. – М.: Издательство Кулагиной; Intrada, 2008. – С. 358.
7. Улугов А. Адабиётшунослик назарияси. –Т.: Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2018. – Б. 308.
8. Қуроноф Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2013. – Б. 408.
9. <https://qwiklit.com/2014/03/22/10-writers-who-use-stream-of-consciousness-better-than-anybody-else/>

УЎК 81-13

ЎЗБЕК, ИНГЛИЗ ВА РУС ТИЛЛАРИДА “ОРГАНИК ОЛАМ” ВА “ФУТБОЛ” СЕМАНТИК МАЙДОНИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ИДЕОГРАФИК ЛУҒАТИНИ ТУЗИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

С.А. Содиқова, PhD, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент

Аннотация. Семантик майдон бу - онгимизда тил тасвирларининг маъновий туркумларга бўлиниб акс этиши деб ҳисобланар экан, бунда идеографик луғатда сўзларни майдонлар ичида янада кичик микромайдонларга бўлиб изоҳлаш самаралидир. Идеографик луғат назарияларига кўра сўзларни алоқадорлиги асосида изоҳлаш нарсаси-ҳодиса ҳақида тасаввурни тез илғашга ёрдам беради. Идеография асоси ономасиология, яъни шаклдан мазмунга назариясидан иборат бўлиб, шу боисдан идеографик луғат мақоласида феъл лексемалар маъновий жиҳатдан от лексемалар билан тенг қўлланилиши даражасига эга деб таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: семантик майдон, идеографик луғат, спорт турлари, футбол, ономасиология.

Аннотация. Поскольку семантическое поле считается представлением языковых образов, разделенных на значимые категории в нашем сознании, эффективно интерпретировать слова в идеографическом словаре в более мелкие микрополя внутри полей. Согласно теориям идеографической лексики, толкование слов по признаку родства помогает быстро составить представление о чем-либо. В основе идеографии лежит ономасиология, то есть теория отношения формы к содержанию, поэтому в статье идеографического словаря глагольные лексемы анализируются как имеющие тот же уровень употребления, что и именные лексемы.

Ключевые слова: семантическое поле, идеографическая лексика, спорт, футбол, ономасиология.

Abstract. Since the semantic field is considered to be the representation of images of language divided into meaningful categories in our mind, it is effective to interpret the words in the ideographic dictionary into smaller microfields within the fields. According to the theories of ideographic vocabulary, interpreting words on the basis of relatedness helps to quickly develop an idea about something. The basis of ideography is onomasiology, that is, the theory of form to content, therefore, in the article of the ideographic dictionary, verb lexemes are analyzed as having the same level of use as noun lexemes.

Key words: semantic field, ideographic vocabulary, sports, football, onomasiology.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, идеографик луғатлар билан боғлиқ бўлган аксарият тадқиқотларда “Табиат” макромайдони борлиқ тушунчаси заминида талқин этилади. Мазкур макромайдон мазмуний жиҳатдан органик ҳамда ноорганик майдонларга бўлинади. Олима Ё.Ҳамроева ўзининг илмий мақоласида бу икки табиий бўлиниш бирдек тасаввур қилинган, лекин ҳаракат фақат жонли организмларга тегишли бўлса, органик ва ноорганик олам учун ҳолат тушунчасини қўллаш жоиздир [1].

Семантик майдон бу - онгимизда тил тасвирларининг маъновий туркумларга бўлиниб акс этиши деб ҳисобланар экан, бунда идеографик луғатда сўзларни майдонлар ичида янада кичик микромайдонларга бўлиб изоҳлаш самаралидир. Идеографик луғат назарияларига кўра сўзларни алоқадорлиги асосида изоҳлаш нарсаси-ҳодиса ҳақида тасаввурни тез илғашга ёрдам беради. Органик ва ноорганик олам семантик майдонларини ҳам идеографик талқин қилишда ҳам майдон назариясига таяниш лозим. Табиат тушунчасини ушбу бўлинишидаги сўзларни гуруҳлаштириш натижасида “Ҳайвонот олами” семантик майдони таркиб топади ва бунда микромайдонлар “ёввойи ҳайвонлар”, “уй ҳайвонлари”, “сув ҳайвонлари”, “ёввойи қушлар”, “йиртқич қушлар”, “уй паррандалари”, “ҳашаротлар”, “судралувчилар” каби 8 та бўлим ажратилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, идеография асоси ономасиология, яъни шаклдан мазмунга назариясидан иборат бўлиб, шу боисдан идеографик луғат мақоласида феъл лексемалар маъновий жиҳатдан от лексемалар билан тенг қўлланилиш даражасига эга деб таҳлил қилинади.

Олима Ё.Ҳамроева “Ҳайвонот олами” семантик майдонини микромайдонлари билан бирга тизимли тадқиқ қилар экан, ушбу майдондан олдин эса “Ўсимликлар дунёси” лексик-семантик майдони тизимли таҳлили эгаллашини маъқул деб ҳисоблайди.

Тадқиқ этилаётган тилларда “Органик олам” макромайдонини ташкил этувчи бирликларнинг идеографик луғатини тузишдан олдин уларнинг микромайдонлар тизимини яратиб олиш зарур. Ушбу туркумга кирувчи сўзларнинг серқирралиги уларни чуқур тадқиқ этишни талаб этади, чунки “Органик олам” макромайдонига кирувчи лексемаларнинг турли парадигматик ва синтагматик муносабатларини фақат идеографик луғатлар ёрдамидагина юзага чиқариш мумкин.

Барчамизга сир эмаски, бугунги кунда спорт замонавий жаҳон маданиятининг муҳим таркибий қисмини белгилайди. Замонамиз тадқиқотчилари дунё тилларининг барчасида “спорт” концептининг мавжудлигини таъкидлашади.

Ҳозирги кунда энг машҳур спорт турларидан бири бу - футбол. Тилдаги маконда, бизнинг фикримизча, футбол тушунчаси луғавий маданият концепти вазифасини бажаради ва у кўп маъноли лексик таркибга эга.

Лексикографиянинг, жумладан, идеографиянинг ушбу қисмини ифода этувчи лексик воситалар (лексемалар) нинг таркибини аниқлаш бизга деярли футболнинг кам ўрганилганлигини, ўрганилган бўлса ҳам бир тил миқёсида айрим тадқиқот ишлари олиб борилганлигини кўрсатади.

Спорт лексемаларига бағишланган замонавий луғатлар асосан спорт терминологиясини ўз ичига олади, унинг идеографик томонларини ёритиш бўйича махсус идеографик луғатлар ҳали-ҳануз мавжуд эмас.

Умуман, спорт, шунингдек, унинг индивидуал турлари ҳам ушбу махсус соҳага хос бўлган махсус терминологик хусусиятга эга. Автономия, ички мураккаблик, шунингдек, маълум бир спорт турининг машҳурлиги терминологик тизимнинг ривожланиши ва тармоқланишига ёрдам беради. Спорт терминологияси бир қатор хусусиятларга эга: спорт атамалари нафақат илмий ва таълим соҳаларида, балки замонавий оммавий ахборот воситаларининг машҳур таркибий қисми сифатида ҳам ишлайди. Замонавий спорт нашрлари, спорт телевизион дастурлари, шунингдек, тўғридан-тўғри футбол ўйинларини трансляция қилиш тили, албатта, унинг махсус ишлатилишидан ташқари, замонавий тилнинг энг динамик қатламларидан бири эканлигидан ҳам далолат беради.

Футбол тилининг алоҳида таркибий қисми бу замонавий луғатлар билан қисман ўрнатиладиган спорт атамаларидир. Бугунги кунда футбол лексикаси алоҳида мақомга эга. Умуман олганда, биз умумий футбол лексемасининг иерархик тузилиши, уни намоён этишнинг турли даражалари ҳақида кўплаб фикр ва мулоҳазалар билдиришимиз мумкин. Шундай қилиб, тингловчига энг қулай бўлган футбол атамаларига тааллуқли лексемаларнинг идеографик луғатларини яратиш муаммоси ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритамиз.

Бугунги кунда бир неча муаллифлар томонидан энг машҳур спорт турларига бағишланган луғатлар пайдо бўлди. Футбол билан алоқадор бўлган, унинг махсус тилига йўналтирилган бир нечта луғатлар мавжуд (босма ва электрон нашрлар). Шу билан бирга, ушбу турдаги луғатларни таҳлил қилганимизда, мазкур луғатларда берилган лексемалар тузилиши жиҳатидан ҳам, материални ташкил қилиниши ва тавсифланиши бўйича ҳам маълум бир тартибда амалга оширилмагани сир эмас.

Шу муносабат билан тилнинг, жумладан, ўзбек, инглиз ва рус тилларининг ҳозирги ривожланиш босқичида, индивидуал спорт турлари тилини ҳисобга оладиган юқори ихтисослашган лексикографик нашрларни яратиш энг долзарб бўлиб туюлади.

Бизга маълумки, идеографик луғат луғатларнинг бир тури бўлиб, лексик бирликлар қийматига асосланган ҳолда семантик майдонлар кўринишидаги лексик-семантик тизимларни ифодаловчи луғатга жойлаштирилади. Бугунги кун тадқиқотчилари ушбу турдаги луғатларнинг учта турларини ажратиб кўрсатишади: тезаурус, синонимик ва тематик луғатлар. Ушбу кичик типларни танлаш ўзига хосликни талаб этади. Бундай луғатлар сирасига, масалан, О.С. Барановнинг “Рус тилининг идеографик луғати” (1990, 1995), Л.Г.Бабенко томонидан таҳрирланган (2001) “Рус тилидаги отларнинг изоҳли луғати: идеографик тавсиф. Инглиз эквивалентлари. Синонимлар. Антонимлар” ва бошқалар қиради.

Футбол терминларининг идеографик луғати ўз ичига кенгайтирилган луғавий маълумотни олиши керак. Шу билан бирга, футбол терминининг янада ёрқин тасвирини яратиши лозим. Сўзни янада ёркинроқ идрок этиш учун энг муҳим маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, маълум бир футбол терминининг янада яхлит тавсифи, шунингдек, барча лексикографик (идеографик) параметрларини тизимли равишда акс эттириш ушбу турдаги луғат ўқувчисининг коммуникатив эҳтиёжларини тўлиқ қондиради, десак муболаға бўлмайди.

Бу ўринда, масалан, Ю.Н. Караулов терминологияси [2] назариясига таяниб, футболга оид лексемаларини мавзувий асосда бирлаштириш идеографик тус олади. Футболга оид тил бирликларини қуйидагича изоҳладик: аввало, “футбол” сўзининг қиёсланаётган тиллардаги таърифларини бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

1. Демак, “футбол”га инглиз тилидаги “Longman Dictionary Of Contemporary English” луғатида қуйидагича таъриф берилди: “*a game played by two teams of eleven players who try to kick a round ball into the other team's goal*” [3].

Рус тилида Д.Н. Ушаковнинг «Толковый словарь русского языка» номли луғатида эса футбол сўзига шундай таъриф берилган: **ФУТБОЛ**, а, мн. нет, м. [англ. football]. *Игра, состоящая в том, что две команды, по 11 игроков в каждой, стараются ударами ноги загнать мяч в ворота противника* [4].

Майдон (стадион) – семантик майдон бўлиб, у қуйидаги майдон тизимларини ўз ичига олади: ўйинчиларнинг чигал ёзди машғулотларини олиб бориладиган кичик майдонча, югуриш учун йўлаклар, томошабинлар учун ўтириш жой (трибуна)лари, жамоа аъзолари учун махсус жойлар, дам олиш хоналари, кийиниш хоналари, тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари, шарҳловчилар учун махсус хоналар ва бошқалар.

Майдон (стадион)га инглиз ва рус тиллари луғатларида қуйидагича таърифлар берилган: рус тилида, **СТАДИОН** - [От греч. στάδιον — место для состязания в беге] *Сооружение для спортивных занятий и игр, состоящее из футбольного поля, площадок и беговых дорожек, окруженное трибунами для зрителей* [5].

Инглиз тилидаги “Longman Dictionary Of Contemporary English” луғатида майдон (стадион)га нисбатан қуйидагича таъриф берилган: “*A stadium (plural stadiums or stadia) is a place or venue for (mostly) outdoor sports, concerts, or other events and consists of a field or stage either partly or completely surrounded by a tiered structure designed to allow spectators to stand or sit and view the event.*”

Ўзбек тилида “майдон (стадион)”га нисбатан қуйидаги таъриф берилган: “*Футбол ва бошқа спорт ўйинлари майдони, югуриш йўллари ва томошабинлар учун трибуналари бўлган катта спорт даргоҳи*” [6].

Берилган таърифлардан майдон лексемасининг фақат ўйингоҳ эмас, турли тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган макон сифатида ҳам маъноси кенгайганлигини, шунингдек, тилшуносликда семантик майдон каби тури ҳам унинг илмий термин сифатида ишлатилиши кўринади.

2. “Жамоа” – қиёсланаётган уччала тилда ҳам ўз ичига қуйидаги лексемаларни олади: *жамоа раҳбари (президенти), жамоа бошқаруви раҳбари (менеджер), тренер, тренер ёрдамчилари, ўйинчилар, жамоа шифокори, жамоа ҳайдовчиси, жамоа ошпази ва бошқалар.*

1) “Футбол ўйини” 2 таймдан иборат бўлади. Бундан ташқари “футбол ўйини” семантик майдони ўз ичига ўйинчи: *дарвозабон, ҳимоячи, марказий ҳимоячи, плеймейкер, ҳужумчи, ҳужум, ҳимоя, ўйин ҳолати (ўйиндан ташқари ҳолат), аут, офсайд, бурчак тўпи, ўйин бузилиши ҳолати (штраф), карточкалар (сарик, қизил), судьялар: асосий судья, қанот судьялари ва бошқаларни* олади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, айрим “Футбол ўйини” семантик майдони билан боғлиқ бўлган лексемалар система ичида система тамойилига кўра яна бир неча микромайдонларга бўлиниб кетади. Бундан ташқари *қоида бузилиши* семантик майдони мавжуд бўлиб, бу ҳам ўз доирасида иккига бўлинади: а) судьянинг ваколатлари ва қарорлари; б) ўйинчиларнинг ҳаракатлари. Бир-биридан фарқлаш учун таклиф қилинган семантик майдон ҳудудлари маълум функционал соҳаларда кесишиши мумкин, аммо бундай кесишма ҳар бир алоҳида кўриб чиқиладиган ҳудуднинг “шахсий” маконини бузмайди.

Спорт соҳаси терминологиясини ривожлантириш учун унинг микромайдон тизимини ҳосил қилиб, ўқув машғулотлари дастури доирасини қамраб олувчи идеографик луғатларини ҳамда бутун соҳа макромайдон тизимидаги идеографик луғатларни яратиш муҳимдир. Спортнинг оммалашган тури футбол лексик бирликлари жамланган микроидеографик луғатларни яратиш, нафақат, футбол соҳаси вакиллари, балки бутун футбол ишқибозлари учун ҳам аҳамиятли бўлиб, бундай луғатлар ушбу ўйин тури терминларини тушунишни осонлаштиришга ва стандартлаштиришга имконият яратади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ҳамраева Ё. Феъллар мисолида идеографик луғат тузиш. Тошкент, 2014, - Б. 52
2. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М.: Наука, 1976. – С.252
3. Longman Dictionary Of Contemporary English
4. Толковый словарь русского языка / Под ред. Д.Н. Ушакова. — М.: Гос. ин-т "Сов. энцикл."; ОГИЗ; Гос. изд-во иностр. и нац. слов., 1935-1940. (4 т.)

5. Словарь русского языка: В 4-х т. / РАН, Ин-т лингвистич. исследований; Под ред. А. П. Евгеньевой. – 4-е изд., стер. – М.: Рус. яз.; Полиграфресурсы, 1999. – 670 с.

6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Иккинчи жилд. (E-Tvf) - ТошкентЎЗМЭ Давлат миллий нашриёти, 2006

УЎК 81'373.225(=133.1=512.133): 81'255

ЛИНГВОПОЭТИКАНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ш.Ф. Тошхужаева, PhD, Қўқон ДПИ, Қўқон

Ш.Каримова, PhD, "Al Bukhary University" OTM, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада лингвопоэтиканинг юзага келиши билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз боради. Лингвистика ва поэтиканинг ўзаро муносабатлари кўрсатиб ўтилади.

Калим сўзлар: лингвопоэтика, структурал лингвистика, структурал поэтика, генератив лингвистика, риторика, филологик поэтика.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с возникновением лингвопоэтики. Показана взаимосвязь языкознания и поэтики.

Ключевые слова: лингвопоэтика, структурная лингвистика, структурная поэтика, генеративная лингвистика, риторика, филологическая поэтика.

Abstract. This article deals with issues related to the emergence of linguopoetics. The relationship between linguistics and poetics is shown.

Key words: linguopoetics, structural linguistics, structural poetics, generative linguistics, rhetoric, philological poetics.

Лингвопоэтиканинг юзага келиши билан боғлиқ масалалар кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлгани қадимдан маълум. Лингвопоэтика бугун пайдо бўлган соҳа эмас. Бу атама ифодалаган тушунча таркибидаги фанлар қадимдан филологик соҳанинг таркибида, бу соҳа эса ижтимоий фанлар қаторида, хусусан, фалсафа таркибида ўрганилган. Кейинчалик лингвистика ва поэтика каби фанларнинг янги илмий тушунчалар ва илмий парадигмалар сифатида мустақил фанга айланиши икки фан орлиғидаги тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Лингвопоэтика соҳасига бўлган бундай эҳтиёж икки фан учун ҳам бирдек хизмат қилувчи услубшуносликнинг тараққиёти билан боғлиқ бўлди. Лингвопоэтиканинг тақдири фаннинг стилистика соҳаси билан боғланар экан, албатта, икки фан орлиғида турувчи уларнинг кўприги сифатида хизмат қилувчи услубшуносликнинг мутахассислари қарашларига тўхталиш муҳимдир. Лингвистика ва адабиётшуносликнинг ўзаро муносабатлари ханузгача муаммо бўлаётганлиги йирик тилшунос олим В.В.Виноградов асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Маълумки, бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ адабиёт сўз санъати ҳисобланади. Бадий асарларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари айнан сўз воситаси орқали очиб берилади. Шу сабабли ҳам сўзнинг асар мазмунини акс эттиришдаги роли бекиёс. Фақат сўзнинг ўзигина воқеликни образли акс эттиришда ожизлик қилади. Бу билан бадий асарда қўлланаётган лингвистик бирлик - сўз лингвопоэтик хусусиятларни ифодалашда ёзувчидан ўта моҳирликни талаб этади. Шу маънода ёзувчи бадий асардаги воқеликни тасвирлар экан, китобхонга унинг нозик тафаккурига таъсир қилувчи воситаларни ранг-баранг тасвирлар ёрдамида ифодалайди. Бундай ифодаланиш баъзида норматив лингвистикага зид қўйилади, зидланиш лисоний воситалар кўмағида ифодаланганлиги учун шакл ва маънодаги ранг- баранглик лингвопоэтик вазифа бажаради. Воқеаларнинг бадий тасвирида шундай вазиятлар мавжуд бўладики, уларни лисоний шакллар билан ифодалашнинг имконияти бўлмайди. Бунга миллий урф-одатлар ва миллий менталитет йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам бирор предмет, нарса, ҳодисалар образли воситалар орқали ифодаланади. Ёзувчи назарда тутган бадий воқеликни ифодалаш учун лисоний бирликлар ўрнида экстралингвистик воситалар қўлланилади. Бундай вақтларда нолисоний ва экстралингвистик воситалардан ҳам фойдаланилади. Шунинг учун ҳам лисоний воситалар тасвири қаторида бошқа воситалар ҳам ўз ифодасини топади, барча воситалар зиммасига ёзувчи томонидан бадий – ғоявий юк юкланади.

Инглиз тилшуноси С.Сапорта лингвистиканинг поэтик тилда ўрганилиши хусусида фикр юритиб, лингвистика ва поэтика муносабатининг уч жиҳатини аниқлайди:

1. Поэтика бу – тил.
2. Поэтика бу – тил эмас, санъат.
3. Поэтика бу – санъат ва тил кесишувидир.

У лингвистик усуллар поэтика соҳасида муҳим аҳамият касб этиб, ҳар қандай поэтика бу – тилдир деган тамойилни илгари суради. Бироқ шундай бўлса-да, у лингвистика ва поэтиканинг бир-биридан фарқини унутмаслик лозимлигини алоҳида таъкидлайди. [6.97]